


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**

Nocturne No. 20 in C Sharp Minor, Op. posth

Frédéric François Chopin

Vincent

**FRIDERIK SHOPEN**  
(1810-1849)**NOYABR**  
**№46**

CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.

+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
23-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-23**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-23**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**1. Уразбаев Илхом Кенесбаевич**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЖАНУБИЙ ТУМАНЛАРИНИ  
ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШ БҮЙИЧА ИЗЛАНИШЛАР ..... 7



## АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЖАНУБИЙ ТУМАНЛАРИНИ ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИЗЛАНИШЛАР

Уразбаев Илхом Кенесбаевич,  
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети  
мустақил тадқиқотчиси  
тел: +99893 572 65 86  
email: [ilkhom.urazbaev@gmail.com](mailto:ilkhom.urazbaev@gmail.com)

**АННОТАЦИЯ.** Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши инсон фаолиятининг барча соҳалариға сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилга айланмоқда. Атроф муҳитга, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аҳоли ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири юқоридир, чунки қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг об-ҳаво шароитига боғлиқ тармоқларидан бири ҳисобланади.

**Калит сўзлари.** Гидромодуль, иқлим ўзгариши, суғориш меъёрлари, ГАТ, сув истеъмоли.

Иқлим ўзгариши сув юзаларидан сувнинг буғланишини, ўсимликлар транспирацияси ва суғориш меъёрларининг ортиши туфайли сувнинг қўпроқ сарфланишига олиб келади. Бу эса, сувнинг тикланмай истеъмол қилинишини ўрта ҳисобда ортишига олиб келади. Иқлим шароитларининг ўзгариши ҳисобига суғориладиган ерларда сув истеъмолининг мумкин бўлган ошишини баҳолаш (турли хил экинларнинг сув истеъмоли, йўқотишлар, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўзгариши) бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Иқлим шароитларининг ўзгариши ҳисобига суғориладиган ерларда сув истеъмолининг мумкин бўлган ошишини баҳолаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш ва ҳар бир гидромодуль район учун экинларнинг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Ўрта Осиёда гидромодуль районлаштириш бўйича дастлабки олиб борилган илмий тадқиқот ишлари йилда С.К. Кондрашов томонидан, кейинроқ эса, В.М. Легостаев, Б.С. Коньков ва Г.П. Гельцерлар, С.Н. Рыжов, Б.В. Федоров ва В.Е. Еременколар хамда Н.Ф. Беспалов, Ф.М. Рахимбаев, Б.Мамбетназаров, А.Э. Авлияқулов, М.Х. Хамидов лар томонидан олиб борилган бўлиб, гидромодуль районлаштиришнинг асосий принциплари сифатида иқлим, гидрогеологик, тупроқ ва унинг литологияси шароитлари олинган.

Суформа деҳқончиликда ғўзанинг суғориш тартиблари, техника ва технологияларини тупроқнинг сув-физик ва агрокимёвий хоссалариға, ўсимлик ривожланишига, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича республикамиизда С.Н. Рижов, М.Н. Меднис, Н.Ф. Беспалов, Ф.Н. Рахимбоев, Қ.М. Мирзажонов, А.Э. Авлиёқулов, Б.С. Мамбетназаров, Ш.Н. Нурматов, М.Х. Хамидов, Ш.Р. Ҳамроев, С.Исаев, хамда хорижда Blaine R. Hanson, Gonzalez-Dugo M.P, Lawrence J. Schwankl, Allan Fulton., Beede R.H., Duchemin B., Cai T., Xu H., Peng D., Yin Y., Yang W., Brown M.J., W.D. Kemper, Coolidge P.S., Goldhamer D.A., Guttman Joseph, Jeffrey T. Baker, Dennis C. Gitz, Marx D., Hutter J., Mohan Reddy Junna, Stringham G.E., Walker W., Stringham J., Wallender каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Куп йиллик тажрибаларнинг умумийлаштирилган маълумотлари асосида 9 та гидромодул районга тақсимланиб, ер ости сувлари сатҳи, шағал тошли қатламли, унча калин бўлмаган тупроқларида (I ва II гидромодул 15 районлар) суғориш сони ва мавсумий суғориш меъёрлари 15 % га купайтирилди, суғориш меъёрлари эса бирмунча камайтирилди, суғориш сонлари эса кўпайтирилди.

Кўйи Амударё воҳаси чўл минтақаси тупроқлари бўйича факат V, VI, VII, VIII, IX



гидромодул районларга ажратилиб, мавсумий суғориш меъёрлари гектарига 4000-5600 м<sup>3</sup> ва суғориш сони 3-6 мартадан ошмаслиги талаб этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси иқлими, геоморфологияси ва тупрокларини ўрганиб чиқиб, бу худуднинг тупроқ шароити бўйича автоморф, ярим гидроморф ва гидроморф тупроқ-мелиоратив миңтақаларига бўлинниб, автоморф тупроқлар уч гидромодул районларга, ярим гидроморф ва гидроморф тупроқлар хам уч гидромодул районларга бўлинди.

Кўп йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатади, ер ости сувларининг жойлашиш сатҳи 1,0 дан 2,0 м гача энг юқори таҳминни (85-90%) ҳосил қиласди. Баҳор даврида суғориладиган ерлар майдони таҳминан 1,0 дан 1,5 м га ча ер ости сувларининг сатҳи билан максимал тарзда йигилади ва кузатиш остидаги барча майдондан 40-50% гача йигилади, 3-5 м ер ости сувларининг сатҳи билан 3,6% ни ташкил қиласди. 1,0 дан 2,0 м гача ер майдонларини кўпайтириш асосан 2,0 дан 3 м гача ер ости сувларининг сатҳи билан майдонларни камайтириш ҳисобидан амалга оширилади.



1-жадвал

**Коракалпогистон Республикаси жанубий туманлари сугориладиган ерларининг  
сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси**

№	Туманлар номи	Кузатилган майдон (минг га)	Сизот сувлари сатҲининг чукурлиги бўйича майдонларга бўлинниши , (минг га)			Сизот бўйича майдонларга бўлинниши, (минг га)	Сувларининг минерализацияси
			0-1,0 метр	1,0-1,5 метр	1,5-2,0 метр		
1	Беруний	318	33,10	1,18	4,28	26,80	0,85
2	Тўрткўл	307	30,21	0,15	5,56	21,79	3,24
3	Амударё	263	38,40				0,98
4	Элликкала	329	34,03				1,01
<b>Ўргача :</b>		<b>1217</b>	<b>135,74</b>	<b>1,33</b>	<b>19,58</b>	<b>97,59</b>	<b>18,71</b>
							<b>0,63</b>
							<b>0,01</b>
							<b>118,18</b>
							<b>&gt;10 г/л</b>



Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатининг динамикаси ер ости сувларининг минерализацияси бўйича аниқланади.

Қорақалпок гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси (ҚҚГМЭ) маълумотлари бўйича 2018 йилдан 2020 йил оралиғида ер ости сувларининг минерализацияси 5-10 г/л бўлган майдонларни камайиш тенденцияси аниқланди (3.2.2. – жадвал)

Республиканинг аввалдан суғориладиган ерлари зонасида литрига 3,0-5,0 гача ер ости сувлари минерализациясига эга катта майдонлари мавжуд, аммо ер ости сувининг сатҳи яқин жойлашишига қарамасдан, бу ерларда ғўзанинг ҳосилдорлиги гектарига 2,0-2,4 т чегарасида белгиланмоқда. Бу ерда мавсумий туз тўпланишини “ювий” суғориш тартиби билан йўқ қилинмоқда.[108; 28-34-б.]

Механик таркиби қум ва қумлоқдан тортиб, то оғир қумоқ ва гилгача ўзгаради. Тупроқда, сувда эрийдиган тузлар микдори бўйича ҳар хилдир, шўрланмаган даражадан то кучли шўрланишгача ўзгаради, кучсиз шўрланган тупроқлар худудида (15-30 %) доғлар шаклидаги ўртacha ва кучли шўрланиши ҳам характерланади. Буни бир қатор сабаблар билан тушунтириш мумкин: зовурларнинг ёмон ишлаши, навбатдаги профилактик шўр ювишлар олдидан сифатсиз текислаш ёки яхши, сифатли шўр юваслиқ. Умуман, ўтлоқ тупроқлар, уларнинг сув-туз ва озиқлик режимларини тўғри ростланса потенциал юқори унумдор ҳисобланади.

Ботқоқли-ўтлоқ тупроқлар рельефнинг энг қуий элементларини эгаллаган, сизот сувлари сатҳи ер сатҳига жуда яқин (0,5-2 м) жойлашгани учун кучли ботқоқлашмаган, шўрланишига мутаносиб ва тупроқ профилининг гилланишига олиб келади. Улар пастдан кулранг қўнғир қатlam билан алмашади ва 20-40 см чуқурлиқдан бошлаб кучли шўрланган қатlamга ўтади. Гидроморф тупроқлар-ер ости сувлари 0-2 метр чуқурлиқда жойлашган бўлиб, ер ости сувлари тупроқ хоссаларини шаклланишида иштирок этади. Буларга ўтлоқи (ер ости сувлари 1-2 м чуқурлиқда), ботқоқ-ўтлоқи (ер ости сувлари 0,5-1,0 м чуқурлиқда), ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ (ер ости сувлари 0,5 м дан юқори) тупроқлар киради.

Кўпийилликтажрибаларнингумумийлаштирилганмаълумотлариасида Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг суғориладиган ерлари аэрация қатламида тупроқларнинг қалинлиги, механик таркиби, жойлашишига ва сизот сувларининг сатҳига кўра асосан 9 та: I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромодуль раёнларга ажратилиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 3 метр чуқурлиқдаги сизот сувлари худуднинг 2,14 % (I, II ва III) ни ташкил қилади. 2-3 метр чуқурлиқдаги сизот сувлари жами худуднинг 15,86 % (IV, V ва VI) ни ташкил қилади. Қолган 82,01% и 1-2 метр чуқурлиқдаги сизот сувлари жойлашган VII, VIII ва IX гидромодуль раёнларга тўғри келади.

Гидромодуль районлаштириш тупроқ-мелиоратив районлаштириш принципи бу далага умумий сув бериш меъёрларининг тупроқ пайдо бўлишидаги мавжуд шароитларнинг мажмуини ва уларнинг лойихаланадиган мелоратив тадбирлар билан боғлиқ бўладиган ўзгаришларини хисобга олувчи майдонни тупроқ-мелоратив районлаштиришга асосланган.

Тупроқ-мелоратив районлаштиришда хисобга олинувчи асосий кўрсаткичлар тупроқ шакилланишнинг йўналиши ва ривожланишини аниқловчи иқлим, тупроқнинг литологик-геоморфологик тузилиши, гидрогеологик ва мелиоратив-хўжалик шароитларири. «Ўздавмелиосуввойиха» институтида кабул килинган тупроқ-иқлим районлаштиришига кўра Амударё ва Сирдарё хавзалари майдони кенглик (3.3.1-жадвал, 3.3.1-расм) ва баландлик пояс (3.3.2-жадвал) минтақаларига бўлинган.

Иқлим минтақалари чегарасида майдоннинг районлаштирилиши умумий қабул килинган гидрогеологик ва тупроқ – мелиоратив областлар, районлар ва райончалар бўйича бўлинишларга асосланади.



**Кенглик минтақаларининг белгиланиши.**

Кенглик минтақалари	Белгиланиши
Шимолий /Ш/	Ш-I Ш-II
Марказий /М/	М-I М-II
Жанубий /Ж/	Ж-I Ж-II

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг сүфориладиган ерлари аэрация қатламида тупроқларнинг қалинлиги, механик таркиби, жойлашишига ва сизот сувларининг сатхига кўра асосан 9 та: I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромодуль районларга ажратилиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 3 метр чуқурликдаги сизот сувлари худуднинг 2,14 % (I, II ва III) ни ташкил қиласди. 2-3 метр чуқурликдаги сизот сувлари жами худуднинг 15,86 % (IV, V ва VI) ни ташкил қиласди. Қолган 82,01% и 1-2 метр чуқурликдаги сизот сувлари жойлашган VII, VIII ва IX гидромодуль районларга тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларини 0,50% и I, 1,36% и II, 0,28% и III, 4,98% и IV, 9,5% и V, 1,37% и VI, 25,78% и VII, 34,37% и VIII ва 21,86% и IX гидромодуль районларга мансуб

**Хуносалар.**

1. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг сүфориладиган ерлари битта тупроқ-иклим зона – чўл зонасига, ушбу зона ичидаги учта тупроқ-мелиоратив областга таълфуқлидир. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг сүфориладиган ерлари аэрация қатламида тупроқларнинг қалинлиги, механик таркиби, жойлашишига ва сизот сувларининг сатхига кўра 9 та: I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромодуль районларга ажратилади.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг асосий сүфориладиган ерларида вегетация даврида сизот сувларининг сатхи 1-2 метрда бўлганлигидан, умумий майдоннинг 0,50% и I, 1,36% и II, 0,28% и III, 4,98% и IV, 9,5% и V, 1,37% и VI, 25,78% и VII, 34,37% и VIII ва 21,86% и IX гидромодуль районларга мансубдир.

**Фойдаланган адабиётлар рўйихати.**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлилий, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -104 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”.

8. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М: «Колос», 1985-317 с.

9. Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения. –Ташкент, СоюзНИХИ, 1981.

10.Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. – Ташкент: 1962. - 440 с.

11. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. –Ташкент: , 1977. - 187 с.

12. Нурматов Ш., Мирзажонов К., Авлиёқулов А., Безбородов Г., Ахмедов Ж., Тешаев Ш., Ниёзалиев Б., Холиқов Б., Хасanova Ф., Маллабоев Н., Тиллабеков Б., Ибрагимов Н., Абдуалимов Ш., Шамсиев А. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», услубий қўлланма ЎзПТИ, (Ташкент, 2007), 146 б.

13. Авлиёқулов А.Э., Баталов А. Фўзанинг ўрта толали “Бухоро-6” навини парваришлиш агротадбирлари тизими //Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маъruzалари асосидаги мақолалар тўплами. -Ташкент, 2006. - Б. 238-239.



14. Авлиёқулов А.Э., Истомин В.М. Фўзанинг ўрта толали “Денов” навини парваришлаш агротадбирлари тизими //Тупрок унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий аослари: Халқаро илмий-амалий конференция маъruzалари асосидаги мақолалар тўплами. 1.Т. – Тошкент, 2007. - Б. 304-310.

15. Авлиёқулов А.Э., Твортогова А.А.ва б.; “Фўзанинг ингичка толали “Термиз-31” навини парваришлаш агротадбирлари тизими” //Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий аослари: Халқаро илмий-амалий конференция маъruzалари асосидаги мақолалар тўплами. –Тошкент, 2006. – Б. 332-337.

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 23-ҚИСМ**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000